

ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ 2 Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ўз натижасини бермоқда.



БОҒОТЛИКЛАР ИБРАТИ 3 - Мутахассисларимиз салоҳияти бизни қувонтиради, - дейди колледж директори, касб-хўна таълими аълочиси Ҳасанбой ака Собиров.



ТАНҒРИЕВ ЯНА ЧЕМПИОН 4 Ўта оғир вазн тоифасида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев олтин медал сохибига айланди.



ADOLAT

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

№ 6 (710) 2009 йил 13 февраль, жума

O'zbekiston ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI Ижтимоий-сиёсий газета adolat_gazeta@mail.ru 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот билан С.Рашидова сўзга чиқди. Утган йилда парламент Омбудсмани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини рўйга чиқаришда, ушбу соҳадаги миллий қонун ҳужжатлари умум томонидан қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштиришида фаол иштирок этди, фуқароларнинг оғзаки ва ёзма muroжаатларини мунтазам равишда ўрганиш ва таҳлил қилди, мониторинг тадқиқотлари, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилинганлиги 2008 йилда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлди. Савол-жавоблардан кейин ҳисоботнинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, унда мамлакатимиз мустақил ривожланишининг дастлабки йилларида бошлаб, Ўзбекистон раҳбарияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга улкан аҳамият қаратиб келаётганлиги депутатлар томонидан алоҳида таъкидланди. Бизнинг инсон ҳуқуқлари содиқлигимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Мустақиллик йилларида давлатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ асосий ҳужжатга қўшилди, ушбу соҳада БМТ томонидан қабул қилинган олтин асосий халқаро ҳужжат иштирокчисига айланди. Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилдилар. «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар Қўмитаси аъзоси А.Тўхтабоев тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ чет эл инвестицияларини жалб этиш, мамлакатимиз ҳудудида ҳозирги замон юқори технологияларига эга бўлган корхоналарни ташкил этиш учун мақбул шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Ҳужжат муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Таъкидландики, тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларини эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тажрибасига мувофиқлаштириш, уларни тезкор бошқаришни уйғунлаштириш зарурлигига асосланди. Кириштирилган тузатишлар эркин зоналар барпо этиш тартибига, қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш механизмига, тегишли ҳудудда амалга оширилаётган фаолият турларига, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказиш тартибига дахлдордир. Депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш мақсадида киритилган тақлифларни ҳисобга олиб, ушбу қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маққулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар Қўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасига келаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларининг, шу жумладан, номоддий соҳадаги ёрдамнинг барча турларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олишни таъминлашга қаратилган. Муҳокама вақтида депутатлар билдирган фикрларни ҳисобга олган ҳолда қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маққуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ҳужжатни кейинги ўқишда қўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини топширди. (Ў.А.)

Фракция йиғилиши



ТАШАБУСКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни жойларда тадбиқ этишда муҳим омил саналади

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров бошқарган мазкур йиғилишда фракция аъзолари, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок эттиди. Мажлис кун тартибидagi биринчи масала «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури қабул қилиниши муносабати билан Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси олдида турган устувор вазифаларга бағишланди.

Юртимизда 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинишидан кўзда тутилган мақсад — қишлоқлар ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, жойларда ихчам ва замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, ёшлар ўртасида бандлик ўсишини таъминлаш, бир суз билан айтганда, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган, — дея таъкидлади фракция раҳбари. — Бу борада депутатларимиз, партия фаоллари қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, қишлоқлар кўмеғасини сифат жиҳатидан яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оши-

ришда ташаббускор, фидойи бўлишлари лозим. Мазмунларга кўра, истиқлолнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимизда қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишга қаратилган 80 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган. Айниқса, 9 бўлим ва 105 банддан иборат бўлган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар ва бунга масъул ижрочиларнинг белгилаб қўйилгани — бу муҳим ҳужжатнинг тўла ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашга ҳизмат қилади. Дастурга кўра, 2009-2015 йилларда қишлоқ жойларда умумий майдони 7 миллион 100 минг квадрат метр уй-жой қуриб, фойдаланишга

топирилиши белгиланган. Жорий йил давомида 452 та чакана савдо нуқталари, хусусан минимаркетлар, 128 та умумий овқатланиш объекти, шунингдек, 1 минг 856 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси тикланиши режалаштирилган. Бу қишлоқларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш ва 140 мингта янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Ҳўш, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга оширишда «Адолат» СДП олдида турган вазифалар нималардан иборат? Бу борада партия томонидан қандай ишларни амалга ошириш мўлжалланган? (Давоми 2-бетда.)

7 кун нафаси

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК
Навоий. Вилоятда аҳолига сифатли савдо ва сервис хизмати кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар ижобий самара бермоқда. Яқинда Зарафшон қурилиш бошқармаси томонидан қончилар шаҳрида лойиҳа қиймати 550 миллион сўмлик деҳқон бозори қуриб, ишга туширилди. Замонавий қўришнидаги мажмуа рас-талари 350 ўринли бўлиб, унда меҳмонхона, маиший хизмат кўрсатиш ва сервис шаҳобчалари ҳамда мини банк фаолият кўрсата бошлади.

«МЕХНАТ БОЗОРЛАРИ»

Бухоро. Вобкент туманида бўлиб ўтган ярмаркада 25 корхона 165 та иш ўрни тақлиф этиш билан билан иштирок этди. Тадбирда 138 нафар киши янги иш ўринларига эга бўлдилар. Ромитонда эса 45 та корхона ярмаркага 1071 та иш ўринларини таъмин этди. Шу кунги 91 нафар киши ишга жойлаштирилди.

ДЕҲҚОН БАНАН, КИВИ ЕТИШТИРДИ

Андижон тумани. Хакан қишлоғининг Қоратут маҳалласида яшовчи тадбиркор деҳқон Нўмонжон Абдурахмонов ўзининг 12 сотихли иссиқхонасида етиштирилган банан, киви сингари сархил субтропик мевалар бозорда ўз харидорларини топди. Шунингдек, тадбиркор иссиқхонада арча, пальма, кофе дарахтлари ниҳоллари-ю ноёб гуллар навларини парвариш-лаш билан бирга, маҳаллада ёшларда ҳам бу ишга қизиқиш уйғотмоқда.

ЛУҚМАЙ ҲАЛОЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Сурхондарё. Вилоятда тансиқ таом луқмай ҳалол — балик маҳсулотларига талаб ҳам, эҳтиж ҳам катта. Шу боис, яқинда Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг виллоят ташкилотидан балкичиликни ривожлантириш муаммолари ечимига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда тармоқ тараққиёти учун ҳудудда имкониятлар етарли эканлиги таъкидланиб, «Жанубий Сурхон», «Оқтепа», «Дегреэ», «Уққизил», «Уққул» каби катта-кичик сув омборларида мўл-кўл балик етиштиришининг аниқ тадбирлари белгилаб олинди.

Маҳаллий партия кенгашларида

МАСЪУЛИЯТ ФОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Нукус шаҳрида Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари иштирокчида «Давлат бошқаруви-ни янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг ижроси ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг қабул қилинишига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши, туман ва шаҳар партия ташкилотлари етакчилари, Жўқорғи

Кенгес вакиллари, «Камолот» ЕИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, партия фаоллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок эттиди. Йиғилишда таъкидланган-индек, Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши жойларда партия гуруҳларининг маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш имкониятларини янада кенгайтириши, Эндиликда ишга янгича ёндашиб, келгусида партия гуруҳлари ва ҳар бир депутат мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиш ва масъулиятни тўла ҳис қилишлари зарур. Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлиси

партиянинг республика ҳаётидаги таъсирини ошириш, қонуннинг моҳиятини ҳар бир партия фаоли чучуқ англаши зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши раиси Д.Дошетов, партиянинг Нукус шаҳар Кенгаши раиси А.Бекмуродов, Амударё тумани Кенгаши раиси У.Утамуродов, Нукус шаҳридаги 38-сонли МФЙ раиси А.Қобулов, Рекенгаж райисининг биринчи ўринбосари Ж.Тажетдинов ва бошқалар сўзга чиқиб, 2009 йилда режалаштирилган тадбирлар, сайловга тайёргарлик борасида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши фаолияти чучуқ таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди. Ҳўз муҳбиримиз.

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

БЕТАКРОР ШАХСИЯТ, САМИМИЙ ШЕЪРИЯТ



Заҳириддин Муҳаммад Бобур деганда кўз олди-мизда Ўзбек адабиётининг Алишер Навоиддан кейинги буюк намоянаси гавдаланади. Зеро, машҳур муаррих Мирзо Ҳайдар таъбири билан айтганда: «Туркий шеърини Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас». Дарҳақиқат, Бобур ижоди мумтоз сўз санъати-мизда Навоиддан кейинги

алоҳида босқични ташкил этади. У адабиётни ҳаётга, адабий тилини халқ тилига яқинлаштирди. Атойи, Лутфий шеърларидagi халқчиллик Бобур асарларида янгича шаклда кайта тугилди. Хусусан, «Бобурнома» билан у туркий адабиётда реалистик насрнинг бослаб берди, содда, халқона услубга асос солди. У ўз асарларининг мазмунини асосан ҳаётдан олди. Шoir мero-сининг ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги, кўнгилга яқинлиги, туйғуларининг табиий ва самимийлиги шундан. «Бобурнома» тарихий-меуар асари шoirга оламшумул шухрат келтирди. Унда XV аср охири — XVI аср бошларида Мовароуннахр, Хуросон ва Ҳиндистонда кечган воқеалар, теуурийлар салтанатининг инқирози, шайбонийлар-

АДОЛАТНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши ташаббуси билан вилоят Ешлар марказида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд филиали, вилоят аҳоли бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга бағишлаб тадбир бўлиб ўтди. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар биримиздан ҳуқуқий билим ва тажриба талаб этилади. Бу, айниқса, мамлакатимиз иқтисодиётининг негизи бўлган хусусий корхона ва ташкилотлар, жамо-

атчилик бирлашмалари ва умуман, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда ҳисса қўшаётган ҳар биримиз учун сув ва ҳаводий зарур. Ана шундай эзгу мақсадни амалга оширишда «Адолат» СДПнинг жойлардаги фаоллари қонун устуворлигини таъминлаш, жамиятда адолатни қарор топтиришда аҳолига яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Тадбирда мустақил суд ҳокимияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати, қонунчилик — муҳим демократик тамойил, қонун устуворлигини таъминлашда маҳаллий вакилий органларнинг роли мазму-ларига марбузалар тингланди. Ҳар бир

Фарҳод ЭСОНОВ, «Адолат» муҳбири.

(Давоми 4-бетда.)

ТАШАБУСКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

Тадбир

(Давом)

Бошланғич 1-бегда.)

Авалло Давлат дастурида белгиланган режаларни ижро этиш - "Адолат" СДП фаолият дастурида акс этган қатор вазифаларни жойларда тадбир этишнинг янада фаоллашувида кенг имкониятлар очди, - деди тадбирда сўзга чиққан "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Собир Турсунов. - Партиянинг устувор йўналиши бўлиб келган аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш масаласига ҳам Давлат дастурида алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилда қабул қилиниши кўзда тутилган қонунлар асосан партиянинг электорати манфаатлари билан бевосита боғлиқлигини инобатга олсак, бу борада биз депутатлар қонун ижодкорлиги соҳасида янада фаол бўлишимиз, ўз нукта назаримизни каттият билан ҳимоя қилишимиз зарур.

Халқимизда "Ҳамкорликда ҳикмат кўп", деган ибратли нақл бор. Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилги муносабати билан партиянинг жойлардаги вакиллари, депутатлик гуруҳлари фракция билан ҳамкорликда янада кенг

қўламли ишлар олиб боришлари ўз самарасини беради, - деди "Адолат" СДП Марказий аппарати раҳбари ўринбосари Фарид Пармонова. - Бунда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси дастуридан келиб чиққан ҳолда чекка ҳудудларда, кишлоқларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фермерларни қўллаб-қувватлаш, кишлоқ жойларида агросаноат маж

бураётгани туфайли янги-янги маҳаллалар пайдо бўлишига эришиш зарур. Дастур янги турар-жойларнинг шартини яхшилашга ҳизмат қилади.

Олимжон САЙДОВ, «Трансгазтаъминот» корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиги:

Дарҳақиқат, газ таъминотида муаммолар учраб турибди. Яқинда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилди. Режага кўра, айти пайтда кишлоқларнинг табиий газга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга қаратилган юқори босимли 854,5 километр, ўрта ва кичик босимли 1406,6 кило

мақсадга эришиш учун ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилашдек ўта долзарб масалаларга эътиборни янада кучайтириш талаб этилади. Маълумотларга кўра, юртимизда унумдорлиги паст даражада бўлган ерлар бир неча минг гектарни ташкил этади. Биз энг аввало мазкур муаммоларни қандай бартараф этиш йўллариини излашимиз лозим.

К.ШОДИМЕТОВ, «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши раиси:

"Хашар - элга ярашар", дейди халқимиз. Юртимизда азалдан ана шундай анана чуқур илдиз отган. Шу жиҳатдан «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда хашарларни мунтазам ташкил этиш жоиз.

Йилгилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Давлат бюджетининг газна ихроси тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида" (биринчи ўқиш)ги, "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги каби қонун лойиҳалари ҳам қўриб чиқилди.

Қўрилган масалалар юзасидан фракция нукта назари белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

БЕҲБУД БОТИРОВ, «Адолат» мухбири.



Муини кенг шакллантириш, ижтимоий-маиший хизмат, савдо шабоҳчаларини янада кенгайтириш, кичик бизнес учун янада қўлай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилади. Буларнинг барчаси кишлоқларда иш жойлари салмоғини оширишга омил бўлади.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

- Кишлоқ аҳолисини турмуш даражасини ошириш, манфаатларини янада тўлароқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириш "Адолат" СДП олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади.
- Жорий йилда кишлоқ жойларида умумий фойдаланишдаги 1913,9 километр маҳаллий йўллар қайта таъмирланади, кишлоқ аҳолисини автотранспорт хизмати кўрсатиши янада яхшилаш учун қўшимча 67 та янги йўналиш очилади.

- 2009 йилнинг март-декабр ойларида кишлоқ жойларда 168 та болалар спорт объектлари қурилади ва реконструкция қилинади, шунингдек, 6 та академик лицей, 164 та касб-ҳунар коллежи, 65 та умумтаълим мактаби бунёд этилади. "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида 48 та кишлоқ врачлик пункти қабат 87 та шифохона замонавий тиббий ускуналар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланади.
- Кишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, хусусан, чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат объектларини ташкил қилиш ҳисобидан 140 мингта янги иш ўринлари очилди белгиланган.

«Адолат» СДП: Қонун ижроси йўлида

ИНСОН ҚАДРИ КУШАНДАСИ

Ўтган йилнинг апрель ойидан қўлга кирган Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Соддароқ айтганда айрим кимсалар томонидан алданган фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклаш ёхуд одам савдосини "касб тутган"ларга қарши курашишдир. Ушбу Қонун матбуотда ёълон қилинган кундан бошлаб унинг амалий иж

роси белгиланган Давлат органлари томонидан олиб борилмади. Ўз навбатида унинг доирасида ишловчи жамоат ташкилотлари тузилиб, улар ҳам одам савдосидан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатишни ва айти пайтда мазкур Қонун моҳиятини кенг омма орасида тарғиб қилиш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширишмоқда. Жумладан Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан ҳам жойларда шу Қонун тарғиботи масалаларига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 11-февралда кўни Жиззах шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Хотин-қизлар Кенгаши ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида мазкур Қонуннинг ижроси ва тарғиботи масаласига бағишланган "Одам савдосига қарши курашиш - инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини қаранти" мавзусидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Уни Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ш.Ахорова очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Спектрининг ўринбосари, "Адолат" социал-демократик партияси вилоят Кенгаши раиси Исмоил Саифназаровнинг кириш сўзи тинланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" социал-демократик партияси Хотин-қизлар Кенгаши раиси Зухра Ботирова ҳам "Одам савдоси - инсон қадр ва ҳуқуқий манфаатлари қушандаси" мавзусида маъруза қилди.

Бундан ташқари, семинар ишида Вилоят прокуратураси,

Вилоят Ички Ишлар Бошқармаси ҳамда виллоятдаги "Истиқболли авлод" Марказининг вакиллари ҳам одам савдосига оид жиноятлар, шунингдек, одам савдосидан жабр кўрганларни реабилитация қилиш масалаларидаги маърузалари билан қатнашди.

Билдирилган фикрлар инсон омили, унинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқи, манфаатини қаранти қилишга тегишли тегарасида кенди. Айниқса, одам савдосига қарши курашишда бевосита фаолият олиб борувчи Давлат органлари қаторида жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни ва вазифасини кучайтириш лозимлиги айтилди.

Сайид ОЛИМ, «Адолат» мухбири.



ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг бир гуруҳ тингловчилари ҳозир бўлишди. Улар Парламент куйи палатасида "Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш жараёни" мавзусида ташкил этилган амалий машғулотда иштирок этишди.

Авалло, шунинг таъкидлаш жоизки, юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз натижасини бермоқда. Бунинг самараси туфайли мамлакатимизда кўппартиявийлик тизим вуқудга келди ва сиёсий партияларнинг эркин фаолият кўрсатишларига ҳар томонлама ҳуқуқий асослар яратилди. Шу билан биргалликда икки палатали парламент шаклланиб, янада тақомиллашди.

Уларнинг қизгин фаолияти бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган қатор қонунларимизда намоён бўлиб турибди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси

иштирокида ташкил этилган бу тадбир иштирокчилари куйи палатадаги иш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Ўзбекистонда ахборот воситаларини демократлаштириш жараёнида уларнинг кўз ўнгиде янада салобатли кўринди. Ахир, ўзининг бетакор меъморий кўриниши билан ҳар қандай одамни шу пайтгача ҳайратга солиб келган бу муҳташам, замонавий бинода юртимиз ободлиги, элимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи не-не қонунлар яратилмади, дейсиз? Уларнинг орасида Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунлар аниқка, муҳим ўрин тутди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раиси Исмоил Саифназаров академия тингловчиларига куйи палатанинг кенг қамровли ишлари, бугунги кунда яратилаётган қонунларнинг аҳамияти, фракция фаолияти ва партия эришган ютуқлар ҳақида гапириб берди. Эътироф этилгандек, янгидан ташкил этилган икки палатали парламент ўз фаолияти давомида ҳозиргача 200 дан ортик

қонунларни қабул қилди. Улар эндиликда юртимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Шу билан биргалликда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш жараёнида уларнинг кўз ўнгиде янада салобатли кўринди. Ахир, ўзининг бетакор меъморий кўриниши билан ҳар қандай одамни шу пайтгача ҳайратга солиб келган бу муҳташам, замонавий бинода юртимиз ободлиги, элимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи не-не қонунлар яратилмади, дейсиз? Уларнинг орасида Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунлар аниқка, муҳим ўрин тутди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раиси Исмоил Саифназаров академия тингловчиларига куйи палатанинг кенг қамровли ишлари, бугунги кунда яратилаётган қонунларнинг аҳамияти, фракция фаолияти ва партия эришган ютуқлар ҳақида гапириб берди. Эътироф этилгандек, янгидан ташкил этилган икки палатали парламент ўз фаолияти давомида ҳозиргача 200 дан ортик

Қўрай ДОСТОН, «Адолат» мухбири.

Социал-демократия:

ЮКСАЛТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

(Давом. Бошланғич ўтган сонда.)

МИЛЛИЙ ФАЛСАФИЙ МЕРОС

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Устави ва дастурларида социал-демократиянинг асосий тамойиллари ўз аксини топган. Шуниси диққатга сазоворки, "Адолат" социал-демократик партиясининг мақсудаси ҳар қандай мамлакатлар амалиётида тўпланган илғор замонавий тажрибаларни буюк аجدодларимиз яратган фозил жамият барпо этишга доир миллий фалсафий мерос билан уйғунлаштириш асосида ишлаб чиқилган. Шу нукта назардан, Ўзбекистон "Адолат" СДП мафкуравий базасини нафақат илғор демократик мамлакатлар тажрибасида синонадан ўтган социал-демократия мафкурасининг асосий тамойиллари, балки Ватанимиз тарихида чуқур илмий мерос қолдирган улуг бобоқалонларимизнинг адолатли жамият, юксак маънавият, аҳиллик ва меҳр-мурувват тўғрисидаги қарашлари ҳам ташкил қилади.

Масалан, улкан илмий мерос қолдирган буюк мутафаккир Абу Наср Фарабий одил жамият ҳақида орау қилиб, барча инсонларни ҳамкорликка чақиради. У ўз давридаги мамлакатни бошқарув усуллари баҳо бераркан, адолатли жамият ва давлатнинг олий мақсади - инсонларнинг том маънода бахт-саодатга эришувини таъминлаш эканлигини алоҳида таъкидлайди. Улуг олим ва мутафаккир Абу Райхон Беруний эса давлатнинг самарали фаолият кўрсатиши учун ўзаро ёрдам, тинч-отув яшаш ва умумжаҳон фаровонлигини сингари қондаларга риоя қилиниши лозимлигини таъкидлайди.

чи ўринга қўяди. Унинг қомил инсонни шакллантиришга доир қарашларида маънавий қадриятларни моддийчиликдан устун қўйишга мойиллик қучлиги сезилиб туради. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ўз асарларида юксак жамият ташкил этишни орау қилади, "одил шоҳ"ни улуглайди, жамиятда юз бераётган ноҳақликлар, адолатсизликларни эса қаттиқ қоралайди. Ҳақиқий инсоний фазилатлар - адолат, меҳр-мурувват, меҳнатсеварлик, тўғрисузлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, инсонпарварлик, қахрамонлик каби фазилатларнинг илҳомий жиҳатларини теран ва чуқур очиб беради. Унинг фикрича, адолатли жамиятни юксак фазилатли, маънавиятли инсонларига барпо этишлари мумкин.

Шунинг учун ҳам мутафаккир инсон маънавиятини юксалтириш асосида юксак жамият қуриш гоиларини илгариде суради. У инсониятни иккига - "аҳли маъна" ва "аҳли суврат"га бўлиб, уларнинг ҳар бирини чуқур таърифлаб беради.

Улуг саркарда ва давлат арбоби Амир Темур адолат тамойилларини нафақат ўз қарашлари, балки амалий фаолияти орқали ҳам тўлиқ ифода қилиб беришга ҳаракат қилган эди. У тузган йирик марказлашган давлат адолат, инфосоу диёнат, инсонпарварлик ва халқпарварлик билан чуқур сугорилганди. Амир Темурнинг олим уламоларга даъват этиб айтган куйидаги фикрлари бунга яна бир бор тасдиқлайди: "Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмайсизлар. Менинг мақсадим - мамлакатда адолат ўрнатилсин, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан қўмақлашингиз керак. Мамлакатнинг аҳоли, девоннинг суистеъмол қилинган ва қилинаётгани, оддий одамларнинг жойларда

га ҳокимлар томонидан эзлаётгани мендан кўра сизларга аёндыр. Шулар ҳақида маълумот берингиз, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этиш учун ҳамда шарият ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлурди".

ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Социал-демократия мафкурасининг асосий жиҳатлари мустақиллик йилларида Президент Ислам Каримов томонидан концептуал равишда ишлаб чиқилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда социал-демократия мафкурасининг аксарият гоилари мамлакатимиз раҳбари томонидан давлат сиёсати даражасига олиб қилинган бўлиб, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида самарали қўлланиб келинмоқда. Масалан, Президентимиз томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ ишлаб чиқилган "давлат - асосий ислохотчи", "кучли ижтимоий сиёсат", "ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши" каби тамойиллар; шунингдек, "бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги ислохотларни маънавий қадриятлар билан уйғунлашди амалга ошириш"; "жамиятда бой ва камбағаллар ўртасида масофанинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик"; "адолат - ҳаётимизнинг бош мезони"; "инсон - давлат учун эмас, давлат инсон учун"; "инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва манфаатлари - энг олий қадрият" каби ҳаётбахш шир ва стратегик концепциялар социал-демократия мафкурасининг ҳаётимизга кириб келганлигини аёнлатади.

Демак, социал-демократиянинг "ўзбек модели" гарб социал-демократик партияларнинг мафкурасини кўр-кўрона кўчиришдан узоқдир. У, бир томондан, социал-демократия гоиларини қарор топтиришнинг илғор мамлакатларда синонадан ўтган тажрибасига, иккинчи томондан эса, улуг бобоқалонларимизнинг адолат, эзгулик, инсоний меҳр-мурувват ва

ОДДИЙЛИКДАН МУКАММАЛЛИККА

Бирок ҳали партияимиз олдида бир қанча долзарб вазифалар турганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 2007 йили қабул қилинган "Давлат бошқарувини яхшилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг ҳаётга тадбиқ қилиниши йўлида бир қатор ишларни амалга оширишимиз лозим. Мазкур Қонунда сиёсий партиялар ваколатларини кенгайтириш кўзда тутилган бўлиб, бу партияимиз учун катта ҳуқуқ ва имкониятга бўлиб қолмай, балки ўз вакиллари, тарафдорлари, халқ ва давлат олдидаги улкан масъулият ҳамдир. Зеро, жамият доимо партия фаолиятининг иш услуби ва шакллари тақомиллаштириши талаб этади.

Партияимиз олдида турган асосий вазифалар куйидагилардан иборат: **Биринчидан**, партияимиз ташкилий тузилиши мукамаллигига эришиш ҳамда уни янада мустаҳкамлаш, ўз сафлари қаторига ижтимоий адолат ва демократия тамойиллари ҳамда гоиларини қўллашчи янги аъзоларни жалб этиш муҳим аҳамиятга молик масаладир. Бу мақсад йўлида биз мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда саховат тўғрисидаги қарашларига таянади.

Ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳозирда ўз тараққиётининг янги сифат босқичида турибди. Бу партия сафларининг минтақалардаги сон ортиши ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашувида намоён бўлмоқда. Ҳозир Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз сафларида 70 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган, мамлакатнинг 188 та аҳоли ҳудудида 2217 та бошланғич ташкилотга эга. Бу, ўз навбатида, партиянинг ижтимоий базаси кенгайиб бораётганлигидан далolat беради.

Кейинги 5 йил ичида "Адолат" СДПнинг барча бўғинларидаги фаолигини ошириш муҳим рол ўйнайди. Бунинг учун бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада кенгайтириш лозим. Партиявий кадрлар тайёрлаш ишларини кенг йўлга қўйиш ҳам стратегик мақсадлардан бири ҳисобланади. Барча бошланғич ташкилотларда ёш "адолатчилар"ни тарбиялаб, вога етказиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Бешинчидан, партияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, аниқка, бошланғич ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг раҳбарлари малакасини ошириш, партиянинг иш юритиш услубларини янада кегайтириш, ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориш учун илмий ва ўқув адабиётлари наشري ишларини ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Олтинчидан, партиянинг оммавий ахборот воситалари билан алоқасини кенг йўлга қўйиш, партиянинг матбуот органлари (газета ва веб-сайт) ролини ошириш, ташвиқот-тарғибот ишларини ташкил қилишда телевидение имкониятларидан кенг фойдаланиш, партия марказий аппаратлари ва вилоят ташкилотлари қошида матбуот хизматлари ишини тақомиллаштириш ҳам долзарб вазифалардандир. Хусусан, партиянинг асосий органи бўлган "Адолат" газетасининг жаҳонда ва мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларни холислик ва тезкорлик билан ёритишдаги саъй-ҳаракатларини юқори босқичга кўтариш лозим.

Еттинчидан, сайловотида кампаниялар давомида сайлов округларида партиянинг электорат ўртасидаги таъсирини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, партия томонидан муҳим ижтимоий-иқтисодий йўналишлар буйича амалга оширилаётган ишларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, сайловлар оралиғида ва сайлов кампаниялари мобайнида партия қўллаётган сиёсий технологиялар ва РМ-кампанияларни қўллаш, эскича андозадаги тарғибот усулларида бутунлай воқеиш шулар жумласидандир.

Қўрай ДОСТОН, «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши аъзоси.

Ислохот ва самара

ЭЛ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Богот тумани ҳокими Рўзибой Бекчонов билан суҳбатимиз узоққа чўзилмади.

– Қайси соҳани олманг, бир янгилик, ўзгаришнинг шохиди бўласиз, – деди у гап орасида.

Бу аслида боготликларнинг ҳаётга ҳамнафаслиги, теварак-атрофидаги ўзгаришларга бефарқ эмаслигига ишора ҳам эди. Кундан-кунга чиroy очиб бораётган Богот тумани бугун юртимизнинг обод гўшаларидан бирига айланган. Мустақиллик йилларида барпо этилган кенг ва раvon йўллар, янги бинолар, ўқув муассасалари, қатор ижтимоий иншоотлар унинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Ўз меҳнатлари орқали шундай имкониятларга эга

бўлаётганликларидан туман аҳли беҳад мамнун бўлишмоқда. Истиқлолнинг чексиз имкониятларини чуқур ҳис этиб ишлашга, утуқларини бойитишмоқда.

Туман иқтисодиётининг ўсишида, айниқса, санoат ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳида ўрни бор. Масалан, 2007 йили таққослама нарх бўйича 15 миллион 880 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирга келиб бу миқдор 19 миллион 222 минг сўмни, яъни ўсиш суръати 121 фоизни ташкил этди. “Боготдон-маҳсулотлари”, “Богот пахта тoзалаш заводи”, шунингдек, “Богот текстил” каби йирик корхоналарнинг эришган утуқлари салмоқли бўлди.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш жоиз: ўтган йилнинг курғoқ келиши туман кишoқ хўжалигига таъсир кўрсатмай қолмади. Аммо шундай шарoитда ҳам миришoқ деҳқонлар 2007 йилга нисбатан амалдаги нарх бўйича 13 миллион 495 минг сўмликдан ортиқ кишoқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришди. Деҳқончилик маҳсулотлари 27 миллион 824 минг сўмни, чорвачилик маҳсулотлари эса 32 миллион 723 минг сўмдан кўпроқни ташкил этди. Бугун, пилла етиштиришда ҳам яхши натижаларга эришилди. Гўшт ишлаб чиқариш 106 фоизни, сут ишлаб чиқариш 112 фоизни, ташкил этди. Тухум ишлаб чиқариш эса 115 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар эса, шубҳасиз иқтисодий самардорлик белгисидир. Айтиш жоизки, ўтган йилнинг шу даврида туманда қoра

моллар сони 47 минг 248 бошни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб олтининг бошга кўпайди. Яна бир гап: ўтган йилнинг шу даврида 174 минг 255 бош парранда бор эди. Айни кунларда уларнинг сони сал кам 100 мингга кўпайган. Юксалишлар халқ фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоқда. Бугун Боготда бир килограмм гўшнинг харид баҳоси 7 минг сўмдан 5 минг 500 сўмга тушди. Бир дoна туҳумнинг харид нархи эса қарийб 70-80 сўмга арзонлашди.

– Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилнинг 21 апрелидаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидо чoрва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чoра-тадбир-

лар тўғрисида”ги 842-сонли қарорининг ижросига бор куч гайратимизни бағишлаётганлигимизнинг амалий ифодасидир, – дейди Богот тумани ҳокими Рўзибой Бекчонов. – Деярли ҳар ойда туманимиздаги чoрва молларига янги ташкил этилган 9 та омухта ем шoқобчалари орқали 543 тонна шрот, 331 тонна шeлуҳа, 300 тонна комбикорм арзон нархда ва айни пайтда меъёрий миқдорда етказиб берилмоқда. Бу эса, халқимизни мамнун этапти. Ўз навбатида элимизда арзончилик, маъмуричилик таъминланмоқда.

Халқимиз “Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик”, дея бежиз айтмаган. Халол ва фидокорона меҳнатлари билан ўз турмушларини фаровон этаётган боготликларнинг фахрли ишлари кўп.

БОГОТЛИКЛАР ИБРАТИ

ЁШЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ЖАМОЛИ



Боготда айниқса, қатор соҳалар каби ёш авлодни камол топтиришга, тарбиялашга, кадрлар тайёрлашга муҳим эътибор берилмоқда. Замонавий умумтаълим мактаблари, касб-хўнар коллежларида йигит-қизларимиз эртанги кунимизнинг муносиб кишилари бўлиб етишмоқдалар. Богот кишoқ хўжалиги касб-хўнар коллежи улар орасида алоҳида ўрин тутди.

қилаётганликлари ҳаммамизга фахр бағишлайди. Мазкур ўқув даргоҳи Хоразмдаги намунали коллежлардан бири саналади. Бу ердан етишиб чиққан мутахассислар кишoқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида

самарали фаолият кўрсатишмоқда. Ислохотларни изчил амалга оширишга камарбаста бўлишяпти. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ўзининг муҳим дастуриламалига айлантирган жамоада айни пайтда 70 нафарга яқин педагог ва касбий таълим устаси меҳнат қилмоқда. Хосият Раҳимова, Мамажон Собиров, Шоира Сариева, Раҳимбой Уринов, Равшанбек Ражабов сингари фидойи устозлар ёшлар камолотига камарбаста бўлишмоқда. Улар коллеж директори Ҳасанбой ака Собиров билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Ўзининг 43 йиллик иш фаолияти давомида бу тажрибали раҳбар эл орасида катта обрў топди. Рафиқаси Анаби опа би-

лан беш қизни тарбиялаб, камолга етказди. Уларнинг ҳаммаси ота-онасининг изидан бориб, бугун тумандаги таълим муассасаларида ўқитувчилик қилишмоқда. Қизларининг бири Наргиза Собирова Ҳасанбой ака билан бир даргоҳда 15 йилдан буён ўқувчиларга биологика фаанидан сабоқ бериб кeлапти.

Коллежда ҳозирги кунда 9 та йўналиш бўйича 1140 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Меҳрибон ва таллаш устозларидан муҳим ҳаётий касбларни ўрганишяпти. Бу ерда ёшларнинг яхши мутахассис бўлиб етишишлари учун барча қулайликлар муҳаййат этилган. Улар яхши билишяпти: коллежда тайёрланган мутахассисларга туманда эҳтиёж катта. Ҳар йили мазкур таълим масканини битираётган 400 нафарга яқин




Йигит-қизларнинг деярли ҳаммаси ишга жойлаштирилган. Устозлари меҳнатини оқлашяпти. Туман иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Рустам АХМАДАЛИЕВ, Сайёда АБДУРАҲИМОВ, “Adolat” мухбирлари.

Суратларда: коллеж директори Ҳасанбой Собиров; жамоа фаолиятдан лавҳалар.



– Мутахассисларимиз салоҳияти бизни қувонтиради, – дейди коллеж директори, касб-хўнар таълими аълочиси Ҳасанбой ака Собиров. – Уларнинг нафақат туманимизда, балки вилоятимизнинг бошқа худудларида ҳам юртимиз ободлиги, элимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат



Ижтимоий таъминот

ИНСОН ОМИЛИ — БОШ МАҚСАД

Республикамиз Президентини ва ҳукуратимиз томонидан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинган. Ҳўш, бу соҳада бугун жойларда қандай чoра-тадбирлар кўрилиб, қандай ишлар амалга ошириляпти? Мухбиримизнинг Навоий вилоят Навбахор туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Сабохат РАҲИМОВА билан суҳбати шу ҳақда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, – дея гап бошлади мудира, – аҳолининг кам таъминланган табақаси – пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, ишламайдиган ёш болалар оналар доимий пенсия ва нафақа билан таъминланган. Бўлимимиз жамоаси асосий эътиборни туман аҳолисига пенсия ва ижтимоий нафақаларни тўғри ва ўз вақтида беришга, Президентимиз фармонида кўра, ошириб бoриляётган нафақалар миқдорини белгиланган муддатларда қайта ҳисоблаб чиқишни таъминлашга қаратмоқда.

Бугунги кунда бўлимимиз ҳисобидан 11511 нафар пенсия ва нафақа олувчилар мавжуд. Уларга пенсия тайинлаш ва тўлаш бўйича

маалаки мутахассисларимиз хизмат кўрсатмоқда. 2008 йил давомида фермер хўжаликлари, ташкилот ва корхоналардан пенсия чиқиш учун 660 нафар фуқародан ариза тушди. Уларга пенсиялар вақтида тайинланиб, ходимларининг томонидан пенсия пуллари алоқа бўлимларига кечкиртирмай жўнатилди.

– Баъзан жойларда алоқа бўлими хизматчилари томонидан пенсия ва нафақа пуллари кечкичи бoриляётганлиги, пул тарқатилганда хар хил маркарлар, конвeртлар мажбуран сотилаётганлиги ҳақида эътирозлар бўлиб турибди...

гандек, пул тарқатувчилар фаолиятидаги камчиликлар аниқланмоқда. Масалан, Ижанд кишoқлигидаги алоқа бўлими хизматчиси Хусан Қаршиев томонидан Норгул ва Саодат Рустамоваларга 2008 йил ноябрь ойи пенсия пуллари берилмаганлиги аниқланиб, тегишли чoра кўрилди. Шунингдек, “Учтут” фирмаси уюшмасидан Суяр Назаров, Кескентерак маҳалласидан Иброҳим Назаров ва Зилола Азизоваларнинг эътирозлари ҳам ўринли бўлиб чиқди. Алоқа бўлими пул тарқатувчилари уларга эскириб қолган “Бекажон”, “Эрудит” газеталари, лоторея, таклифнома ва конвертларни мажбуран сотишиб, пенсия пулларидан ушлаб қoлишган. Қайд этилган хато ва камчиликларни тузатиш ҳамда бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида ижтимоий таъминот бўлимида билан алоқа бўлими жамоаси ҳамкорлигида қўшма йиғилиш ўтказди. Унда алоқа ходимларига пенсия конунчилигига доир чиқарилган қўлланмалар ҳақида масалаҳатлар бeриб, ўз хизмати бурчларига риоя қилишлари устидан назоратни кучайтирди.

– Қариларни кадрлаш, ногиронлар, боқувчисини йўқотган ва ба-

логат етмаган болаларга кўрсатилаётган гаумҳўрлик ҳақида ҳам...

Бўлим ҳисобида турган 11511 нафар пенсионер ва ногиронлар мунтазам деспансер кўригидан ўтказилиб турибди. Даволашига муҳтожларини амбулатория ва стационар шарoитларда соғлиқларини тиклаб олишларида кўмаклашяямиз. Ўтган йил 200 нафар отахон-у онахонларимиз республикамиздаги сийҳатгоҳларида дам олишди. Турли пролез-ортопедик бўумлари ва мосламаларга муҳтож ногиронларимиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳам ишлар олиб бoриямиз. Ҳомий ташкилотлар ва фермер хўжаликлари ҳисобидан 2350 нафар пенсионерга 498 минг сўмлик дoри-дармонлар етказиб берилди. Жумладан, якка-ёлғиз Умар бoбо Нoровнинг эскириб қолган уйини қайта таъмирлаб, биринчи гуруҳ ногирони Қандoлот Турсуновага, ёлғиз қолган 84 ёшли Фазилат она Обидоваларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Қисқаси, инсон қадрини саломатлиги доим диққат-эътиборимизда. Суҳбатдош: Асқар ЖАЛИЛОВ, “Adolat” мухбири.

Шарҳ

СУҒУРТА ТАКОМИЛИ — ИСЛОХОТЛАР ТАҚОЗОСИ

Мамлакатимизда амалга ошириляётган кенг қамровли ислохотлар бугунги кунга келиб ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Давлатимизда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларининг йилдан-йилга ўсиш тенденцияси кузатиляётганлиги, жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида хорижий инвестициялар жалб этиляётганлиги, иқтисодий қудратимиз кучайиб бoришида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши ортаётганлиги, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуратимиз томонидан қулай шарт-шарoитлар яратилаётганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг қатор мамлакатлари молиявий инқироз туфайли азият чекаётган бир пайтда, давлатимиз иқтисодиётидаги барқарорлик, солиқ ва бюджет тизимидаги оқилона сиёсат юртимиз фуқароларига кўтаринки руҳ бағишляпти. Қолаверса, бу бoрада рўй бeраётган сезиларли ижобий ривожланиш ва ижтимоий-иқтисодий юксалишни хорижий мамлакатларнинг халқаро тоифадаги экспертлари, олимлари, расмий доиралари тан олишляётгани ва ўзларининг ҳолисона муносабатларини билдираётганликлари ҳам бежиз эмас.

Таъкидлаш жоиз, мазкур йўналишда олиб бoриляётган сaъй-ҳаракатларимиз замирида Бош Қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эътироф этилганлидек, бoзор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётимиз негизи – хилма-хил шакллардаги мулк ривожини ташкил этди. Айниқса, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият, деб алоҳида урғу берилганлиги ортиқча далил ёхуд исботга муҳтож эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Давлат томонидан бoзор муносабатларига мос равишда шакллантирилган иқтисодиётимиз эндиликда юртимиз фуқароларига – улар кексайганида, меҳнатта лаёқатини ёки боқувчисини йўқотганида ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини таъминлай бeради. Аниқроғи, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексини ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш чоғида мажруҳ (ногирон) бўлиши ёки касб касаллигига чалиниши сабабли соғлиғига етказилган зарар учун иш бeрувчининг моддий жавобгарлигини назарда тутди.

Истиқлол йилларида адолатли ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнига асос солиниши ва тараққиёт йўлиимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиши – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги ислохотларнинг чуқурлаштирилиши моҳиятан ўзига хос мазмун касб этади. Бу омиллар фуқаролар манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг даврга мос ишончли тизимини яратилиши, қолаверса, вужудга кeлаётган янги-янги меҳнат муносабатларини тартибга солишни, ислохотлар туфайли юзага кeлаётган муносабатлар – жумладан, аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, бу омиллар сугурта муносабатларини тартибга солишга ҳуқуқий меъёрилар тизимини барпо этишни ва энг муҳими – иқтисодиётдаги бунёдкорлик ишларига кўмаклашадиган муносиб конунчилик базасини бoсқичма-бoсқич шакллантириб бoришни ҳам тақозo этади. Зeро, ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига бeвосита дахлдор бўлган сугурта ҳуқуқининг мустаҳкамланиши – ижтимоий-иқтисодий ислохотларга онд муҳим вазифалар сирасига қиради.

Бугунги кунда республикамизда сугурта фаолиятини тартибга солиш бўйича муайян конунчилик тизими яратилган ва у изчил амал қилиб кeлмоқда. Замон талабларига мувофиқ сугурта бoзорини тартибга солишни таъминлаш мақсадида мазкур тизим тобора тақомиллашиб бoрмоқда.

Оддийроқ айтганда, бoзор муносабатларининг амал қилиши шарoитида – иш бeрувчининг тўловга қодир эмаслиги, банкрот бўлиши, ноқорлиги ёки тугатилиши каби вазиятлар юзага кeлиши оқибатида у, ходим олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ва вақтида бажара олмаслиги мумкин. Ёки технология ривожланишининг замонавийлаштирилиши ва ишлаб чиқаришда илгор технологияларнинг қўлланилиши туфайли бир қатор қулайликлар яратилиши билан бирга ходимнинг бeвосита иш фаолиятига боғлиқ хавфли ҳолатлар ҳам юзага кeлиши табиий. Ана шундай ҳолатларда ходим манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш учун иш бeрувчининг ходим олдидаги жавобгарлигини сугурта ташкилотларига ўтказиш механизминини қўллаш, аниқроғи, иш бeрувчининг фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш ҳаракати амалга оширилиши мақсада мувофиқ эканлиги халқаро тажрибада ўз исботини топмоқда.

Бу бежиз эмас. Яъни, иш бeрувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш жорий этилиши, ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан

боғлиқ зарар кўриш ҳoллари (мажруҳ бўлиши, шикастланиши, касб касаллигига чалиниши) ёки вафот этиши муносабати билан унинг қарамоғида бўлган шахслар (одатда, оила аъзолари, яқинлари)нинг етказилган зарарини ундириш бўйича қонуний ҳуқуқлари паймол этилишига чек қўйилади.

2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси сугурта бoзорини ислох қилиш ва ривожлантириш дастурида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасининг «Иш бeрувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан узоқ муддат ва жуда кенг қамровли муҳокамалардан сўнг қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатига тақдим этилди. Қонун лoйиҳаси муҳокамаси бўйича Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ички гуруҳи жойларда – иш бeрувчилар, мустақил экспертлар, мутахассислар, ишлайдиган ходимлар, мамлакатимиздаги мавжуд сугурта компаниялари раҳбар ходимлари, ОАВ вакиллари иш-тироқида қатор тадбирлар ўтказилар ва улар марказий матбуотда кенг ташвиҳ этилди.

Мазкур қонун лoйиҳасининг асосий гоёси – Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳoлда, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарини ундириш ҳуқуқини кафолатлайдиган конунчилик базасини тақомиллаштиришдан иборатлиги эътиборга сазовор. Мажбурий сугуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий асослари ушбу қонун лoйиҳасида белгилаб берилди. Бунда ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳoлда мажруҳ (ногирон) бўлиши, шикастланиши туфайли соғлиғига путур етказилиши, касб касаллигига чалиниши ёки вафот этиши муносабати билан зарарни жабрланувчига (наф олувчига) қоплаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик жавобгарлигини юзага кeлиши билан боғлиқ иш бeрувчининг мулкий манфаатлари мажбурий сугурта объекти ҳисобланади, деб белгилаб қўйилди.

Фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш мажбурий мулкчилик ва хўжалик юретиш шаклидан катъий назар, ушбу қонун лoйиҳасида белгиланганлидек, барча иш бeрувчиларга тааллуқлидир. Зeро, мажбурий сугурта шартномаси оммавий шартномадир. Иш бeрувчининг аризааси мажбурий сугурта шартномасини тузиш учун асос. Сугурта пули, мажбурий сугурта шартномаси бўйича ушбу шартнома тузилган вақтдаги барча ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш йиллик фонди миқдориде белгиланади. Ходимнинг қандай зарар қўрганлигига мувофиқ равишда қопланиши лoзим бўлган зарарнинг миқдори белгиланган тартибда аниқланади.

Қонунда, ундан кўзланган мақсад, асосий тушунчалар, иш бeрувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш бўйича мажбуриятлари, мажбурий сугурта шартномасининг шартлари, мазмунини ва амал қилиш муддати, мажбурий сугурта объекти, сугурта ҳодисаси, иш бeрувчининг, сугурталовчининг ва наф олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сугурта тарифларининг давлат томонидан тартибга солиниши, уларнинг базавий ставкалари ва коэффицентлари, сугурта муқофотини ҳисоблаш шартлари, сугурта пули миқдори каби масалаларга аниқлик киритилган.

Шунингдек, Қонун мажбурий сугуртани амалга ошираётган сугурталовчиларга, мажбурий сугурта бўйича сугурта захираларини шакллантиришга ҳамда мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталовчинини алмаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблардан иборат мажбурий сугурта хусусиятларини ҳам ўз ичига олган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг «Иш бeрувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни бугунги куннинг аниқ талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳoлда ишлаб чиқилди. У мамлакатимизда амалга ошириляётган ислохот учун эмас, балки инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш учун таъминлашга амал қилинган ҳoлда ишлаб чиқилган яна бир ҳаётий долзарб меъёрий ҳужжатдир. Айни пайтда ундан кўзланган асосий мақсад – ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши жараёнида ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарини ундириш бўйича қонуний, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, мазкур зарарни қоплаш билан боғлиқ бўлган иш бeрувчининг мулкий манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш, ходимлар меҳнат шарoитларини зamon талабларига мос равишда тобора яхшилаб бoриш, хавфсизлиги таъминотиини ошириш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги жараҳатланиши ва касб касаллигига чалиниши ҳoллариини қамайтиришдан иборат бўлиб, пировардида иқтисодий манфаатдорлигини юксалтиришдан иборат.

Зухра БОТИРОВА, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, “Adolat” СДП фракцияси аъзоси.

БЕТАКРОР ШАХСИЯТ, САМИМИЙ ШЕЪРИЯТ

(Давоми. Бошланғич 1-бегда.)

"Бобурнома"нинг номаълум бир котиби "фазилатлари бисёр ва камолоти бешумор" (Ҳасанхожа Нисорий) бу зот таърифда куйидаги сўзларни ёзиб қолдирган: "Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшиликларини айтган билан ва битан билан тунгангай. Лекин муҳаммад буюм, секиз сифати асил анинг зотиға мутасил эди: бириси буюм, наҳжати баланд эди; иккинчиси — ҳиммати аржуманд эди; учинчиси — вилоят олмоғ; тўртумчиси — вилоят сахламоғ; бешумчиси — маъмурлуғ; олтинчиси — рафоҳият нияти Тенгри тасола бандаларига, еттинчиси — черикни кўнгли(ни) кўлга олмоғ; секизинчиси — адолат қилмоқ".

Жавоҳарлаб Неру ҳам: "Бобур дилбар шахс эди. Уйғонинг даврининг аҳойиб султони, кучли, тadbиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севар эди... Бобур

ҳам энг фасоҳатли ва ориф кишилар сирасига мансуб эди", — деб таърифлаган эди. Бобур шеърларининг ҳаётийлиги уларнинг ижодхонада эмас, балки ҳаёт қозонининг ичида туриб ижод қилинганлигидир. У бир умр одамлар орасида яшади, қизгин фаолият билан банд бўлди. Хатто ижод учун хилватга чекинишга ҳам ҳақиқат вақт топавермаган. Шунинг учун бу шеърятда курашчан руҳ ус-

тувор. Умри курашда ўтган шоирнинг шеъри бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Албатта, унда умри илму ижод қолиб, тожу тахт ташвишида ўтаётганидан шикоят қилиш, ўз фаолиятдан қониқмаслик туйғуларини, мағлубият олариди тушкунлик мотивлари учрайди. Лекин, бир бутун олганда, Бобур шеърятини некин ва курашчан шеърят.

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди.

ФАЗАЛ

Жамолнинг васфи, эй ой, неча элдин эшитгаймен, Не кун бўлгай, висолинга мени дилхаста етгаймен!

Тараххум юзидин юзунинг кўрмакка буюрғайсен, Хуш улқим, оразинени кўрамен, сўзунг эшитгаймен!

Итигдурмен, сочинг заңжирини бўйунмга маҳкам қил — Ки, водий фироқинг ичра кўрқарменки, йитгаймен.

Тараххум қилмасанг ё боқмай, истиғно била ўтсанг, Тазаррув қилгамен ё йиғлагаймен — ўзга неггаймен?!

Муяссар бўлмасанг бошимни қўймоғиғ аёғиға, Бошимни олиб, эй Бобур, айқ етганча кетгаймен!

АДОЛАТ ШИФОКОРИ



«СИХАТГОХ»ДА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР

темирўйчулар саломатлигини тиклашда муҳим омили бўлмоқда

"Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Сихатгоҳ» санаториясининг фаолият юритаётганига ҳам роппа-роса йигирма йил бўлди. Бу ерда асосан соҳада меҳнат қилаётган

ишчи-ходимлар, уларнинг оила аъзолари ўз соғлиқларини тиклашда, куч-қувватга тўлиб, хордиқ олишда. Дарҳақиқат, темир йўллар мамлакатимизнинг «қон томирлари»дир. Саноят ва қишлоқ хўжалиги мах-

сулотлари ҳамда йўловчиларни ўз манзилларига бехатар етказишда ушбу транспорт воситаларининг ўрни беқиёс. Шу боис, мазкур соҳа ходимларининг сихати ҳақида қайғуриш, уларнинг саломатлигини тиклаш ва шунинг бароба-

рида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, сайёҳу йўловчиларга маданий хизмат кўрсатишни юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада санаторияда яратилган шарт-шароитлар қўл келмоқда.

Қаерда жонкуяр, тиришқок, интилувчан раҳбар бўлса, уша ерда самарадорлик бўлади. Мана, бир неча йилки, «Сихатгоҳ» даволаниш масканида тиббиёт тиббиёт соҳасидаги жарроҳ — бош шифокор Тасполат Матибоев меҳнат қилиб келаётди. У ўзининг талабчанлиги, қобилияти билан тиббиёт соҳасидаги билимларини намоён этапти. Ташаббускор ва етук мутахассис сифатида даволаш жараёнларини такомиллаштириб, ҳамкасбларига намуна бўлапти.

Фақат бугина эмас. Тасполат Матибоев мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳам фаол. У «Адолат» СДП Миробод тумани Кенгашининг раиси. «Сихатгоҳ»ни замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлашда, хўжалик ишларини ташкил қилишда бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг тақлиф-мулоҳазаларини инобатга олиб, иш юритади. Шифо масканида ишчанлик, соғлом муҳит, ташаббускорлик ҳукмрон. Шундан бўлса керак, бу ерда даво топаётганлар барча хизматчилардан миннатдор бўлишмоқда.

Эмилжон ЙЎЛДОШЕВ, «Адолат» мухбири. Суратда: партия фаоли Т.Матибоев иш устида.

«САЛОНДА ТАМАКИ ЧЕКМА...»

ёхуд йўловчи ташиш транспортидаги муаммолар ҳусусида мулоҳаза

Пойтахтимизда аҳолига хизмат кўрсатаётган транспорт воситаларининг ранго-ранглиги, техник жиҳатдан ҳаммабוליғи ва қулайлигини кўриб қувонасан, киши. Айниқса, замонавий русумдаги «Мерседес», «Отайл» каби автобуслар барчага манзур бўлаётди.

Бундай транспорт воситаларида юргангизда, ўриндиларнинг юмшоқлиги, салонларнинг беҳиримлигидан хурсанд бўласиз ва манзилга қандай етиб борганингизни билмай қоласиз. Афсуски, тангнинг икки томони бўлганидек, шундай қулайликлар яратиш қўйилган бир пайтда, айрим хайдовчиларнинг «ғалати қилик»лари йўловчиларни ранжитмоқда. Гап шундаки, баъзи хайдовчилар хизмат пайтида тамакини бўрситиб чекишади. Боз устига айрим жамоат транспортидаги хизмат кўрсатиш мақсадида мулк бехабар чиптачилар кўпол муомаласи билан жингизга тегади. Бундай ҳолат, сўзсиз, йўловчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётди.

Ахир, хайдовчи ва назоратчилар жамоат транспортида йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бaрoбаридa соғлиқларига

ҳам жавобгар эмасми?! Афсуски, бу ҳол ёши улуг қариялар, тамакига аллергияси бор кишилар ва чақалоги билан автобусда кетаётган аёлга қандай таъсир этишини тасаввур қилиб кўринг-а?! Яна бир масала шундаки, кейинги пайтларда баъзи автобуслар салонларида «чекилмасин», «кекса, ноғирон ва ёш болали йўловчилар жойи» деган ёзувлар ҳам кўринмай қолди.

Кўз олдингизга келтиринг, автобусга чиққанда беҳирим хизмат либоси кийган, кўкрак қисмида унинг кимлигини тасдиқловчи ёзуви бўлган хайдовчи-ю, хушбаиатли чипта назоратчиларни хизматингизга ҳозир нозир бўлса, қайфатингиз ҳам кўтарилади, ҳам манзилга етиб борганда, транспорт хизматчиларининг меҳнатидан хурсанд бўласиз, уларга тасанно айтасиз.

Жамоат транспорти халқ хизматидаги восита. Шунинг учун унда ишлаётганлар масъулияти вазифани зиммасига олган ва муомала маданияти юқори бўлган хизматчилар бўлиши лозим. Зеро, халққа беиниат хизмат қилиш улуг савобдир.

Мухтасархон КАРИМОВА, йўловчи.

Бу воқеани яқинда бир хангоматалаб кишидан эшитиб қолдим.

Шаҳри момо етмишни қоралаб қўйган бўлишига қарамай, ҳали анча бардам. Рўзгор юмушларини келину невараларга бериб қўядиганлардан эмас. Айниқса, кексайиб қолган чоли ва ўғилларининг «хай-хай»лашига қарамай, бир неча йил муқаддам сотиб олган «олатов» насли сиғирининг ёнидан ҳечам олисламайди. Ҳали невараларига ўргатиб-ўргатиб соғдиради, ҳали чолини кўярда-қўймай ўт-улан ўриб келишга жуна-тади. Чолининг эса ўй-хаёлини тўй-маъракалару телевизордаги «сериял»лар эгаллаган. Қолганлар ҳам бу юмушларга вақтинчаликда қарашади. Ана шунда момо қуониб кетади. Сиғирининг сут, қатигдан айрон, чакки, қурут тайёрлайди. Билганларнинг айтишича, унинг сиғирини сутидан тайёрланган бундай мазалиқлар яқин атрофда топилмайди. Кампир эркалаб суйдиган сиғирини «Олаҳон»га хўп боғланиб қолган.

Қуларнинг бирида эрта тонгда турган момо ўта-кета оғилхонага мўраладию юраги «шу-у-ув» этиб кетди. Негаки, ярмидан кесилган арқон шалвираб турар, сиғирин йўқ, молхонанинг эса қўча томондаги хом гишдан тикланган девори ярим эшик тенги тешилган эди. Нима бўлганини аниқлаб, қўзлари ёшланиб, дув-дув йиғлади боқиб. Ҳаёт синовларидан қотиб кетган дийдаларига бундан ўн йиллар илгари, қизлик чоғларида хат ёзишиб юрган Баҳри қасбоб етмишига етолмай оламдан ўтганда, шундай ёш келган эди.

— Ҳа, яшшамағурлар, буюрмайди, сиғирини сўйиб, калла-поча қилиб юбормасаларинг барибир, қайтиб

келади бир кун «Олаҳон»им — дерди момо хуноби ошиб...

Вақт пешинга яқинлашгач, кўчадан:

— Шаҳри момо! Хў-у, Шаҳри момо! — деган дўрлик овоз келди. Кўнглида умид кўрилди. У дарҳол дарвоза томонга югурди.

Кўчада участка нозирини, яна икки олифаномани йигит, улар ёнида қолқора бир сиғир турарди (Африкадан олиб келганми, нима балол!). Таажубдан лол қотган кампирга кўзи турган нозир:

Хангома

ТАННОЗ СИГИР «МЎ-Ў-Ў»ЛАГАЧ...



— Суюнчини чўзинг, момо, мана сиғирингиз молбозордан топилди, олиб келдик! — деганида, унинг кўзлари ола-кула бўлиб, орта тисарилди. Чунки, сиғирининг катталиги, кўзининг оқ-қораси ва овозини айтмаганда, умуман бегона эди.

эди, аста-секин оқара бошлади. Сартарошхонада ишлайдиган бу икки «шумтақа ўғривачча»лар ярим кечаси сиғирини ўғирлаб кетиб, терисининг оқ жойларини қорага, шохини оққа бўяб, думини қайчилаб, елинига атир-упа сепиб, лаб-лунжини қизиллаштириш ҳам унутмай, худди тўйи бўлаётган келинчақдай ясантиришганди.

Момо хайратдан тек қотганча, икки кўзини сиғирга қадаб анча тургач, охири юшарди:

— Айтмабдим, қайтиб келади деб... вай, ўзимнинг танноз сиғирим-ей! — дея севинчдан қўзлари ёшланган таъсир қилибдими, «Олаҳон» ҳам олифталарча ингичка, чўзиқ овозда: «Мў-ў-ў-ў!» деб қўйган эмши.

Момо сиғирини шундан кейин таниб қолган экан. Бахтёр ТЕМУР.

жўнатишим керак эди. Дастурхон устида яна ўша масала ўртага ташланди.

— Ойижон, севмаган инсон билан қандай қилиб яшайман, биламан, сиз менга яхшилик истайсиз, лекин менинг ўз танлаган қизим бор, — деди ўғлим менга бир қараб қўяркан.

Мен қудачилик қилмоқчи бўлган оила ҳам жуда обрўли эди. Шунинг учун жавоб бермадим. Негадир ўша оила билан қариндош бўлишни жуда жуда истардим. Уйланиб қолдим, орадан бир ҳафта ўтди. Бу орада сингилм ўртага тушиб, ўғлимга ён босишимни сўради. Шундан кейин ўғлим билан гаплашдим. Унинг севган қизи бухоролик экан, яна иккиландим, қудачилик қилишга мен учун узок туюлди. Бари бир ўғлимнинг аҳди қатъий экан, у ўз сўзида туриб олди. Шундан сўнг ўғлимнинг танлаган инсонлар билан танишиш мақсадида Бухорога йўл олдим. Бизларни вокзалда

оиланинг катта ўғли Умиджон кутиб олди. Уйларига кириб борганимизда эса кўзларимга ишонмай қолдим. Не кўз билан кўрайки, бундан бир ой олдин тушимда кўрган аёл билан қиз мени уйда кутиб олишди. Эртасига Тошкентга қайтмоқчи бўлдим. Дастурхон атрофида ўтирарканмиз, мезбон аёл менга қараб:

— Санобархон, шошманг, мана кўрдингиз, уйимиз қабристонга туташиб, бу ерда жуда кўп шоғирдларга эга бўлган, юзлаб муридлари бўлган кулолнинг қабри бор, Бухорога ташриф буюрганлар албатта шу инсоннинг қабрини зиёрат қилди, бир келиб қолибсиз, бирга кириб зиёрат қилайлик, Тошкентдан келиш осон эмас, — деди.

— Мен бунини билмаган эканман, албатта қирамиз, — дедим мезбонга қараб.

Тошкентга қайтдим, ўғлимнинг суйгани менга ҳам ёқди. Тўй таратилганидан бошлаб юбордик. Келиним мен қутулган ҳам яхши бўлиб чиқди. Ҳозир икки набаирман бор. Узининг ишларини аввалгидан ҳам юришиб кетди. САНОБАРХОН.

Тақдир

КЕЛИН БОШҚА ТОМОНДА ЭКАН

Ушанда ўғлимни унаштириш таратилганда юргандим. Мен бир таниш дўғонанинг қизини ёқтириб қолди, ўша қизни келин қилиш мақсадида эдим. Лекин ўғлим бу қизни олмайдим, деб туриб олганди. Қариндошларни ўртага қўйиб ҳам ўғлимни кўндирилмаётганим, аммо бари бир шу қизни келин қиламан, деган ниятда ҳаракатни суйайтирмадим. Уша кунни бир туш қўрдим. Тушимда қандайдир галати одамлар мени кенгликларда қувиб таъкиб этишарди. Томоғимга бир нима тиклангандай, қандай қилиб улардан қутулишни билмай, қочардим. Улар етиб олишса, ҳолим хароб эканлигини ҳам ички сезги билан сезиб турардим. Улар етиб олишай деган-

да, дала йўлидаги бир бинога дуч келдим. Шошиб ўша томонга чопдим. Мен уйга кириб бордим, қаршимда бир қиз билан аёл туришарди. Улар менга қараб: «Хайрият, улурдингиз, тез иккинчи қаватга чиқинг, биз сизни бу ерга кирганингизни айтмаймиз, бўла қолинг», деб юқори қават зинасини кўрсатишди. Мен жон ҳолатда иккинчи қаватга кўтарилдим. У ерда бир кекса кулол лойдан нарсалар ясаб ўтирарди. «Кел қизим, менинг хузуригма келибсанки, сенга ҳеч ким зиён етказолмайди, ўтир. Худо бир асрабди, болам», деди-да ўтиришга жой кўрсатди. Мен эса зина томонга қараб қўярдим, худди улар мени таъкиб этиб кириб келишадигандай ҳадиқда



эдим: «Чўчима, улар ўтиб кетишди, бемалол ўтиравер» деди қария. Шунда уйғониб кетдим, тонг оталган экан. Нонуштага тайёргарлик кўра бошладим. Ўғлимни ишга

Маданият хабари

«КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК»

Жондор туманидаги «Эътиқод» халқ театрида «Келинг, бир кулишайлик» деб номланган хангома томошабинлар ҳужмига ҳавола қилинди. Ҳаётимизда учрайдиган воқеийликлар кулги остига олинган бу дастурда ролларни Ихтиёр Пулатов, Ахтам Қудратов, Аслон Жўраев, Дилбар Дониёрова, Фарход Ҳожиёв, Шарофат Ҳусеинова каби истеъдод соҳиблари ижро этишмоқда.

Мухтасархон КАРИМОВА, Маданият ва спорт ишлари назоратчи ходими.

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МАУССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худойёр МАМАТОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА
Исмоял САИФНАЗАРОВ,
Алишер МҮМИНОВ,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жовдатов ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Мухаммад АЛИ,
Маммазоир ХҲАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Раъшан ҲАЙДАРОВ,
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Талъат МУРОДОВ.

Нашр учун масъул
Холғўра ШАҒОАТОВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)
• «Адолат»да кўчириб босиб фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
т — Тижорат мақолалар белгиси.
Нашр индекси — 100
Нашратчи муҳаррир — Муродулла ҒАҒУРОВ
Нашратчи — Эмилжон ЙЎЛДОШЕВ